

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**324** Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1337-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ–4354-сон «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 1 мартдаги 563-сон қарори (рўйхат рақами 1337, 2004 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 15-сон, 182-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 6 июнь,  
12/10-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил  
6 июндаги 12/10-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига  
бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Низомнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон «2004 — 2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги, 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сон «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон «2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит (кейинги ўринларда — кредит) бериш тартибини белгилайди.».

2. 1-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб бермайдиган фермер хўжаликларини кредитлаш Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2546, 2013 йил 27 декабрь) асосида амалга оширилади.».

3. 6-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарз олувчининг тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-шакл), шунингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл);».

4. 8-банддаги «10 иш кунидан» деган сўзлар «3 иш кунидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*2015 йил 6 июнь*

**324-325-моддалар**

**— 44 —**

**24 (680)-сон**

*Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазири*

**Ш. ТЕШАЕВ**

*2015 йил 6 июнь*

*Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси*

**Д. ХИДОЯТОВ**

*2015 йил 6 июнь*

*Ер ресурслари, геодезия,  
картография ва давлат кадастри  
давлат қўмитаси раиси*

**С. АРАБОВ**

*2015 йил 6 июнь*

*Ўзбекистон Фермерлари  
кенгаши раиси*

**С. ТУРДИЕВ**

*2015 йил 6 июнь*